O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 13 март, № 51 (4461) Пайшанба

## «ОРОЛ МУАММОЛАРИ, УЛАРНИНГ АҲОЛИ ГЕНОФОНДИ, ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИГА ТАЪСИРИ ҲАМДА ОҚИБАТЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ УЧУН ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз меҳмонлар!

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Сизларни Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрида самимий қутлайман.

Бугун очиладиган конференция Марказий Осиё мамлакатлари учун энг мураккаб ва долзарб муаммолардан бирига бағишланган бўлиб, унинг аҳамияти, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, фақат сув хавфсизлиги масалалари ва битта минтақа доираси билан чекланиб қолмайди.

Барчангиз олижаноб мақсад — Орол инқирози оқибатлари билан боғлиқ масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш ва Марказий Осиё давлатларига, биринчи навбатда бевосита инқироз ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолига яшаш шароитлари ёмонлашувининг олдини олиш, мазкур минтақанинг бетакрор флораси ва фаунаси нозик экологик мутаносиблигини сақлашда халқаро ҳамжамият томонидан кўмак бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида йиғилгансиз.

Орол денгизи муаммосининг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо бу муаммонинг кўлами XX асрнинг 60-йилларида хавфли тус олди. Янги ерларни жадал ўзлаштириш, суғорма деҳқончиликни янада ривожлантириш, бунинг учун бутун Марказий Осиё ҳудуди бўйлаб ирригация тизимларини қуриш, сувдан маиший ва саноат кўламида фойдаланиш эҳтиёжининг давомий ўсиб бориши, шунингдек, сув тақчил бўлган йилларнинг мунтазам такрорланиб туриши энг янги тарихдаги глобал экологик ҳалокатлардан бири содир бўлишига — бир вақтлар сайёрамиздаги энг чиройли сув ҳавзаларидан бирининг қуриб боришига шароит яратди. Сўнгги эллик йил ичида Орол денгизи акваторияси сатҳи 4 баравардан кўпроқ қисқарди, сув ҳажми 10 мартага камайди, худди шу миқдорда унинг минераллашуви ошди.

Янги ҳосил бўлган чўл Оролбўйи ҳудудини шафқатсизларча қамраб олмоқда. Доимий экологик хавф мавжуд ҳудудда, маҳаллий аҳолининг турмуш сифати, саломатлиги, генофондида салбий из қолдирувчи омиллар таъсири остида нафақат қуриб бораётган денгиз атрофидаги минтақалар — Қозоғистоннинг Қизилўрда вилояти, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти ва Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятлари, балки бутун Марказий Осиё минтақаси ҳам жойлашгандир.

Сув ресурсларининг, жумладан ичимлик сувнинг танқислиги ва унинг сифати пасайиши, ерларнинг завол топиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиб кетиши, атмосфера ифлосланишининг ошиши натижасидаги иқлим ўзгаришлари, эҳтимол, шу билан боғлиқ минтақа асосий дарёлари оқимининг катта қисми ҳосил бўладиган Помир ва Тянь-Шань музликлари майдонининг кичиклашуви — бу Орол нобуд бўлаётгани натижасининг қисқача мисоллари, холос. Бугунги кунда шуниси мутлақо равшанки, Оролбўйида келиб чиқиши ва асоратлари жиҳатидан халқаро, глобал характердаги мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар комплекси юзага келган.

Буни англаш БМТнинг Марказий Осиёда инсон тараққиёти ҳақидаги 2005 йилги Маърузасида ҳам ўз тасдиғини топган, унда Орол денгизининг қуриши нафақат минтақавий, балки глобал аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Шу жиҳатдан олинганда, минтақанинг трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Мазкур дарёлар барча замонларда уларнинг ҳавзаларида жойлашган давлатларнинг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини таъминлаб келган.

Бу ҳозирги кунда сув ресурсларидан, биринчи галда, трансчегаравий хусусиятга эга дарё оқимларидан мазкур минтақадаги барча мамлакат ва халқлар манфаатлари йўлида фойдаланишда ҳар томонлама пухта ўйланган ёндашув ва қарорларни амалга оширишни тақозо этувчи минтақанинг 6 давлатида яшаётган 50 миллиондан ортиқ кишининг ҳаётий муҳим манфаатлари ҳисобланади. Акс ҳолда бу Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмларида сув таъминотини янада қийинлаштириши, қуриб бораётган Оролнинг экологик ҳалокатини жадаллаштириб юбориши ҳамда Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг ўн миллионлаб аҳолисининг барқарор ривожланиши ва амалда умуман бу ерда яшаши истиқболларини шубҳа остида қолдириши мумкин.

Трансчегара дарёларидан фойдаланишнинг асосий тамойилларини белгилайдиган халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим ҳужжатларига, шу жумладан трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш (1992) ҳамда халқаро сув оқимларидан кема қатновидан бошқача турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги (1997) конвенцияларга мувофиқ, сув оқимларидаги барча давлатлар “ўзининг тегишли ҳудудлари чегарасида халқаро сув оқимларидан адолатли ва оқилона тарзда фойдаланишлари” назарда тутилади.

Мазкур ҳужжатларда, шунингдек, халқаро сув оқимларидаги давлатлар томонидан ўз ҳудудида ундан фойдаланганида “сув оқимидаги бошқа давлатларга сезиларли зарар етказилишининг олдини олиш учун барча тегишли чора-тадбирларни кўриш”, зарар етказилган ҳолатда эса — “бундай зарарни тугатиш ёки камайтириш учун, зарур бўлганда, зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун” тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича давлатларнинг мажбуриятлари назарда тутилган.

Трансчегара сув оқимларининг сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ минтақа давлатларининг “халқаро сув оқимларидан мақбул равишда фойдаланишга эришиш ҳамда тегишли тарзда ҳимоя қилиш мақсадида” ҳамкорлик қилиш умумий мажбуриятини ҳам назарда тутади.

Бундай ҳамкорликнинг муҳим тамал тоши 1993 йилнинг март ойида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувида қўйилди. Қизилўрда шаҳрида бўлиб ўтган мазкур учрашувда Орол денгизи муаммосини ҳал этиш бўйича ўзаро саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги Битим имзоланди. Ўтган сўнгги йилларда минтақа давлатлари халқаро ташкилотлар билан биргаликда Орол денгизи ҳавзасидаги экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни енгиб ўтиш ва минтақадаги вазиятни яхшилаш бўйича сезиларли саъй-ҳаракатларни амалга оширишди.

Ишончим комилки, глобал ижтимоий муаммолар, жумладан Минг йиллик ривожланиш мақсадлари доирасида, “регионализм орқали глобализм сари” формуласи бўйича, самарали минтақавий механизмлар яратиш йўли билан ҳал этилиши лозим.

БМТ Бош Ассамблеясининг қарори билан 2005-2015 йиллар “Сув ҳаёт учун” ҳаракати Халқаро ўн йиллиги деб эълон қилинди. Бугунги Тошкент конференцияси нафақат Орол денгизи муаммоларини ҳал этиш бўйича Марказий Осиё давлатларининг ўзаро саъй-ҳаракатлари тўғрисидаги биринчи битими имзоланганининг ўн беш йиллик даврида, балки, 22 март — Бутунжаҳон сув ресурслари кунига яқин қолганда, БМТ эълон қилган Халқаро Ер сайёраси йилида бўлиб ўтаётгани ҳам рамзий маъно касб этади.

Конференция натижалари Орол муаммосига халқаро ҳамжамиятнинг янгича назар билан қараши ва англаб етишини шакллантиришга ёрдам бериши ҳамда Марказий Осиё минтақасининг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш мақсадида янада самарали ҳамкорлик учун асос бўладиган вазиятни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беришига ишончим комил.

Конференция қатнашчиларига самарали ишлаш ва ушбу муҳим ҳамда принципиал вазифаларни амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Чуқур эҳтиром ила,

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

# ОРОЛ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

***Тошкентда 12 март куни Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан “Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари” мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.***



Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

БМТ Ривожланиш дастурининг Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори ўринбосари Жейхан Султонўғли хоним конференцияни очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари” халқаро конференцияси иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов ўқиб эшиттирди.

Конференцияда дунёнинг 20 дан ортиқ давлати, жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари, Германия, Греция, Исроил, Ҳиндистон, Хитой, Нидерландия, Россия, Япония ва бошқа давлатлардан, халқаро ва минтақавий ташкилотлардан, молия институтларидан вакиллар, экология, иқлим ўзгариши ҳамда сув ресурсларини бошқариш соҳаси бўйича таниқли олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Бугунги кунда сайёрамизда миллионлаб одамлар тоза ичимлик суви тақчиллигидан азият чекмоқда. Бу иқлими қуруқ мамлакатларда, айниқса, яққол сезилмоқда. Оролбўйида экологик вазиятнинг ёмонлашиши минтақада экотизим мувозанатининг бузилишига олиб келди, сув ресурслари тақчиллигини кучайтирди. Бу эса минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароити ва соғлигига, биологик хилма-хилликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Бинобарин, ушбу муаммо минтақа давлатлари ҳамда халқаро ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Халқаро анжуман очилишида сўзга чиққан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) бош котиби Болат Нургалиев, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси Сергей Лебедев, Осиё тараққиёт банкининг Марказий ва Ғарбий Осиёда қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар бўйича департаменти директори Кацужи Мацунами, Жаҳон банкининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий идораси директори Аннет Диксон, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Саломатлик дастурлари бўйича минтақавий директори Недрет Эмирўғли, ЮНИСЕФнинг соғлиқни сақлаш ва овқатланиш масалалари бўйича минтақавий маслаҳатчиси Санжив Кумар, ЮНФПАнинг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори Ален Муширу, ЮНИДОнинг Европа ва МДҲ давлатлари бўйича минтақавий бюроси директори Гжегош Доночик, Япониянинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги минтақавий идораси бошқарувчи директори ўринбосари Мацуёши Кавасаки, ГЭЖ/БМТРД ижрочи мувофиқлаштирувчиси Яник Глемарик ана шуларни алоҳида таъкидладилар.

Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик инқирознинг асосий сабаблари аввалги даврларда ўйламасдан амалга

(Давоми 2-бетда).

***Пойтахтимизда «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари, мамлакатимиз ва хориждаги экология муаммолари, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини бошқариш масалалари билан шуғулланадиган илмий марказлардан икки юздан зиёд етакчи мутахассис ва олим иштирок этаётир.***

## СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

**Мэлс ЕЛЕУСИЗОВ — Қозоғистон Республикаси уюшмалари ва корхоналарининг “Табиғат” экологик иттифоқи раиси, мамлакат Бош вазирининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қозоғистон Республикаси Мажлиси ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси аъзоси:**

— Ўтган асрда сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш, суғориладиган майдонлар кенгайиб Оролбўйи минтақасида кескин ижтимоий ва экологик вазият пайдо бўлишига олиб келди. Ҳар йили Оролнинг қуриган қисмидан миллионлаб тонна туз ва чанг кўтарилиб, жуда катта ҳудудда ҳаво ва тупроқ ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Бу эса келажак авлодлар саломатлигига, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига салбий таъсир кўрсатаётир. Шу боис, бугунги кунда Оролбўйи генофондини асраш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тошкентда ўтказилган мазкур конференция муҳим аҳамиятга эга. У минтақамиздаги экологик ҳолатни яхшилаш, тупроқ қатламини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тиклаш, қишлоқ хўжалигини илмий асосланган тизимга ўтказиш, сув захираларидан фойдаланишнинг тежамкор усулларини ишлаб чиқиш, минтақада истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда Оролбўйидаги экологик, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш борасида ниҳоятда катта ишлар амалга

(Давоми 2-бетда).

## ДАЛАЛАРДА БАҲОР ШУКУҲИ

**Дилларга меҳр-оқибат, эзгулик, хайру саховат улашувчи Наврўзимизга юртдошларимиз доимгидек катта тараддуд кўрмоқда. Жойларда ободончилик, кўкаламзорлаштириш тадбирлари аллақачон бошлаб юборилган. Байрам муносабати билан бўлиб ўтажак сайру томошаларга ҳам қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бу ҳақда мухбирларимиз жойлардан хабар беради.**

**НАМАНГАН** шаҳридаги “Ёшлар спорт мажмуаси”да намойиш этиладиган Наврўз томошаларида неча асрлардан буён халқимиз тилдан қўймай келаётган алёр ва лапарлар, замонавий эстрада қўшиқлари, спортчи ва ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишлари ҳавола этилади. Айни пайтда бадиий ҳаваскорлар ўз чиқишларини қайта-қайта синовдан ўтказишяпти.




Йилбоши — Наврўз деҳқон учун меҳнат байрами. Бу, айниқса, баҳорий ҳароратдан ғайрати жўшган дала меҳнаткашларининг кўтаринки кайфияти мисолида яққол кўзга ташланмоқда. Вилоятда картошка экиш тадбирлари ниҳояланди. Сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида карам ва бошқа эртаки экинлар экишга киришишди. Ғаллакорлар қуёшдан нур эмаётган майсаларга озуқа бериб, экин суғоришга тушган бўлсалар, пахта майдонларида ерни экишга тайёрлаш тадбирлари қизғин тус олди. Маълумотларга қараганда, кейинги кунларда қўлда кетмон билан далага чиққанлар сони 18 минг кишидан ортди. Улар кучи билан 2460 гектар ер жорий текисланиб, минг гектарга яқин жойда пушта олинди.

* * *

**ҚАШҚАДАРЁ** вилоятининг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўзолди тараддуди кенг миқёсда олиб борилмоқда. Айниқса, кўчат экиш авжида. Ҳозиргача йўл ёқалари, кўча ва хиёбонларга экилган манзарали дарахт ва гул кўчатлари сони 700 мингдан ошиб кетди.

(Давоми 2-бетда).

## БИЗ УЧУН АСОСИЙ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Бир рақам шарҳи





**2008** йилда мамлакатимизда биз учун асосий устувор йўналиш — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини **5** фоизга ошириш кўзда тутилмоқда.

**Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган давлат дастурини рўёбга чиқариш, шу жумладан, янги мелиорация иншоотларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, мелиорация техникаси паркини янгилаш, ана шу ишларни молиялаштириш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш орқали қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишга эришилади.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ТЎПЛАМЛАР ТАҚДИМОТИ

Кеча қуйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича дастури билан ҳамкорликда "Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари" номли янги тўплам ҳамда "Болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларига барҳам бериш"

(Давоми 2-бетда).

# ОРОЛ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).



оширилган хўжалик фаолияти, иқлим ўзгариши ва бошқа табиий жараёнлар билан боғлиқ. Оқибатда Орол денгизи сатҳи кейинги эллик йил ичида 4 баравардан кўпроққа қисқарди, сув 24 метрга пасайди, унинг ҳажми 10 мартага камайди.

Юртбошимиз жаҳон ҳамжамияти эътиборини юзага келган вазиятни яхшилаш учун комплекс чора-тадбирлар кўриш, биринчи навбатда, минтақа давлатлари томонидан Орол денгизи ҳавзасидаги чекланган сув ресурсларини бу ерда жойлашган барча мамлакатлар манфаатлари ва экологик талабларни ҳисобга олиб, ҳамкорликда, ўзаро келишилган ҳолда бошқаришни ташкил этиш зарурлигига қаратиб келади. Президент Ислом Каримов ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг 2007 йил августда Бишкекда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида минтақа трансчегара сув оқимларидан фойдаланиш бўйича Ўзбекистоннинг юқоридаги тамойилларга асосланган нуқтаи назарини аниқ баён қилган эди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан кейинги дастлабки йилларда Оролни қутқариш халқаро жамғармасини ва минтақанинг иккита тузилмаси – Барқарор ривожланиш бўйича давлатлараро комиссия ва Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссиясини ташкил этишнинг ташаббускорларидан бўлди. Марказий Осиёнинг беш давлати раҳбарлари томонидан 1993 йилда Орол муаммоларини ҳал этиш, Орол минтақасини экологик соғломлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир биргаликдаги саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги битим, 1995 йилда Марказий Осиё мамлакатларининг ушбу соҳада ҳамкорликни кенгайтиришни кўзда тутган Нукус декларацияси имзоланди. Бу борада Орол денгизи ҳавзаси бўйича қўшма дастур амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда экологик бўҳрон оқибатларини енгиллаштириш масаласи давлат даражасида, комплекс равишда ҳал этилмоқда. Табиий ресурслардан фойдаланишни ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш фаолиятини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган. Мамлакатимиз ушбу соҳада асосий халқаро ҳужжатларга, жумладан, Трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ҳамда улардан фойдаланиш конвенциясига қўшилган. Оролбўйи ҳудудига кирадиган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини умумий ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Орол денгизи минтақасидаги ҳудудларнинг экологик аҳволини яхшилаш, ер емирилишининг олдини олиш ва қишлоқ хўжалиги салоҳиятини ошириш, аҳолини соғломлаштириш, сув билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш орқали қўшимча даромад олиш учун шарт-шароит яратиш бўйича қатор мақсадли лойиҳалар босқичма-босқич рўёбга чиқарилмоқда. Бунда аҳолини, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилишни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўнлаб замонавий таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари барпо этилган.

Оролнинг қуриган қисмида қум кўчкиларини қотириш, қурғоқчилик ва шўрланишга чидамли ўсимликлар экиш ҳисобидан бу ерларни ўзлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса аввал фойдаланилмаган ҳудудлардан яйлов сифатида фойдаланиш, пировардида чорвачиликни ривожлантириш имконини беради. Амударёнинг дельта ҳудудида сув майдони 150 минг гектардан ошадиган сув ҳавзалари ташкил этилмоқда. Бу ерда балиқчилик хўжаликлари иш бошлади. Буларнинг барчаси минтақани иқтисодий ривожлантиришга, аҳоли бандлигини оширишга, биохилма-хилликни тиклаш ва иқлимни яхшилашга ёрдам беради. Конференция иштирокчилари форум арафасида Оролбўйида бўлиб, бунга ишонч ҳосил қилдилар.

Кўплаб халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ таркибидаги агентликлар, молия институтлари – Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқалар ҳам Оролбўйидаги вазиятни барқарорлаштиришга кўмаклашмоқда. Масалан, Глобал экологик жамғарма кўмагида Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг Нукус филиали томонидан 22 лойиҳа ишлаб чиқилиб, уларнинг аксарияти амалга оширилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Борий Алихонов, соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров, иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Галина Саидова, "Ўзгидромет" маркази бош директори Виктор Чуб, "Экосан" халқаро ташкилоти раиси Юсуф Шодиметов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Ўрал Атаниёзова ва бошқалар шулар ҳақида сўз юритдилар.

Таъкидланганидек, Оролбўйидаги экологик инқироз билан боғлиқ кўпгина муаммоларни бир мамлакатнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Шу боис, форумда таъкидланганидек, Орол ҳавзаси сув ресурсларини бошқариш ва фойдаланиш тизимини мавжуд давлатлараро битимлар доирасида такомиллаштириш лозим. Бундай ҳамкорликни умумэътироф этилган халқаро меъёр ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш зарур. Минтақадаги барча давлатларнинг трансчегара сув оқимлари ва кўлларни ҳимоя қилиш, уларнинг сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича халқаро ҳужжатларга қўшилиши ҳам бу борадаги ишларга кўмаклашади.

Конференция доирасида параллел сессиялар ҳам бўлиб ўтди. Уларда Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш истиқболлари, экологиянинг аҳоли генофонди ва саломатлигига таъсири, бу борадаги вазифаларни ҳал этиш йўллари, Оролбўйида турмуш даражасини ошириш чора-тадбирлари каби муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Анжуман якунида "Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари" мавзуидаги халқаро конференциянинг Тошкент декларацияси қабул қилинди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



# СЎЗ – КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

оширилаётгани эътиборга молик. Мазкур глобал муаммо оқибатларини енгиллаштириш йўлида биргаликда ҳаракат қилишимиз, бу ишга жамоатчиликни кенг жалб этишимиз ва халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз лозим.

**Нина НОВИКОВА – Россия Фанлар академияси Сув муаммолари институти вакили:**

— Дарҳақиқат, бугун Орол фожиаси глобал муаммога айланган. Ўзбекистон Оролбўйи минтақасидаги вазиятни яхшилаш мақсадида кўп иш қилмоқда. Оролбўйида экологик вазиятни барқарорлаштириш, ҳудудни иқтисодий ривожлантириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва уни ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қатор йирик, аниқ мақсадли дастур ва лойиҳалар амалга оширилаётир. Куни кеча Мўйноқ туманидаги аҳвол билан танишиб бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. У ердаги шифохоналарда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун яратилган шарт-шароит бизни ниҳоятда қувонтирди. Бу мамлакатингиз раҳбарияти Орол муаммоси оқибатларини бартараф этиш йўлида изчил ҳаракат қилаётганидан далолат беради.

**Жейхан СУЛТОНЎҒЛИ – БМТ Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича дастурининг минтақавий бюроси директори ўринбосари:**

— Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан ўтказилган "Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари" мавзуидаги мазкур халқаро конференция ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки Оролдаги экологик бўҳрон нафақат минтақавий, балки глобал муаммодир. Орол денгизи қуришининг, унинг йирик экологик инқирозга айланишининг сабабларидан бири иқлим ўзгаришидир. Орол денгизининг фожиага юз тутиши оқибатида мазкур ҳудудда юзага келган нохуш экологик вазият инсон саломатлиги, атроф муҳит мусаффолиги, айниқса, келажак авлодлар тақдирига катта салбий таъсир кўрсатади. Шу боис Оролбўйи генофондини асраш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юртингизда Оролбўйида экологик муҳитни яхшилаш, ушбу муаммога халқаро ҳамжамият эътиборини қаратиш ва минтақадаги давлатлар билан ҳамкорликда муаммоларни ечиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1995 йили Нукус шаҳрида Орол денгизи муаммоларига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция мазкур муаммони ҳал қилишда муҳим қадам бўлган эди. Тошкентда ўтказилган ушбу йирик анжуман Оролбўйи ҳудудидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва яхшилашга хизмат қилишига ишонаман.

**Сергей ЛЕБЕДЕВ – МДҲ Ижроия қўмитаси раиси:**

— Орол ва унинг атрофида вужудга келган жиддий экологик муаммоларни ечиш нафақат ўша ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли, Марказий Осиё давлатлари, балки дунёнинг деярли барча мамлакатлари учун бирдек муҳим. Орол денгизининг қуриган қисмидан ҳавога кўтарилаётган чанг-тўзон дунё экологиясига зарар етказмоқда. Ўзбекистонда мазкур муаммони ҳал этиш борасида зарур чоралар кўрилаётгани бизга яхши маълум. Бироқ ушбу муаммони бартараф этиш учун халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш зарур.

Конференция Орол билан боғлиқ қатор долзарб масалаларни, жумладан, экологик инқирознинг аҳоли генофондига, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири, Амударё ва Сирдарёда рационал оқимни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиш ва муайян ечимларни топишда катта аҳамиятга эга.

**Гжегош ДОНОЧИК – БМТ Саноатни ривожлантириш ташкилотининг (ЮНИДО) Марказий Осиё бўйича дастурлари бўлими раҳбари:**

— Мамлакатингизда истиқлол йилларида Орол муаммосининг салбий таъсирини камайтириш, минтақа аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътиборга лойиқ. Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари, халқаро тузилмалар ҳамкорлигида талай ишлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ташкилотимиз Оролбўйи аҳолисининг бандлик даражасини ошириш, унинг барқарор даромад олишини ташкил этиш борасида қатор лойиҳаларни амалга ошириш ниятида. Бундан кўзланган асосий мақсад одамларнинг турмуш тарзини янада яхшилашдир.

Оролбўйида юзага келган глобал экологик муаммо нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки Ер шарининг бошқа ҳудудларига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Муаммоларнинг олдини олиш эса дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашни тақозо этади.

**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбирлари.**

# ТЎПЛАМЛАР ТАҚДИМОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

номли қўлланмаси тақдимотини ўтказди. Тадбирда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан Ўзбекистон ўзи қўшилган халқаро конвенциялар нормаларини миллий қонунчиликда тўла акс эттириш, пировардида, изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш борасида ижобий ишларни амалга оширмоқда. Чунончи, Меҳнат кодекси, "Таълим тўғрисида"ги, шунингдек, жорий йил бошида кучга кирган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонунларда халқаро конвенцияларда акс этган нормалар тўла ўз ифодасини топиб, боланинг барча ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш бўйича ҳам комплекс тадбирлар йўлга қўйилди.

Депутатлар ушбу нашрларнинг ўз вақтида чоп этилганини таъкидлашди. Негаки, "Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари" тўпламида меҳнат муносабатларини тартибга соладиган халқаро ҳужжатлар — Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенция ва тавсиялари ўзбек тилида тайёрланганини кенг жамоатчиликка катта фойда келтиради. Айни шу ҳужжатларни янада кенгроқ доирада оммалаштириш зарурлиги ҳам иштирокчилар томонидан қайд этилди.

**Қ. ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ДАЛАЛАРДА БАҲОР ШУКУҲИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қарши шаҳрининг марказий кўчалари янгидан экилган нинабаргли дарахт кўчатлари ҳисобига ям-яшил тусга кирди. Биргина март ойининг дастлабки ўн кунида 30 минг туп дарахт кўчати ўтқазилди. Истироҳат боғлари, жамоат жойлари, маҳалла ва хонадонларда экилган кўчатлар 150 минг тупга етди. Кўриниб турибдики, қашқадарёликлар вилоятни боғу роғларга буркаш, ҳаво мусаффолигини сақлаш учун дарахтлар ўтқазишга, яшилликни кўпайтиришга бел боғлашган. Ажаб эмас, ёш ниҳоллар Наврўзгача куртак ёзиб, чор-атрофни гўзалликка буркаса...

* * *

Баҳор кексалар қўлига гулқайчи тутқазди. Келинлару қизлар тонг саҳардан кўча-ҳовлиларни супуриб-сидиришга тушишди. Боғбон ва гулчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Жажжи болакайлар эса рангпар идишчасида бобоси ўтқазган ниҳол тагига сув қуймоқда.

Аҳли **АНДИЖОН** бу йилги Наврўзни ана шундай завқ-шавқ, кўтаринкилик билан қаршиламоқда. Асака шаҳри эрта баҳорданоқ турфа гулларга бурканди. Шаҳар коммунал хизмат ва ободонлаштириш бўлимининг гулчиси



Муҳаммаджон Рўзиматовнинг бир ўзи байрамга атаб 30 турдаги юз минг туп гул кўчатини парваришламоқда. Эрта-индин бу гуллар йўл ёқаси, хиёбонлар, боғ-роғларни гўзалликка буркайди.

Қўрғонтепалик ўқувчи ёшлар эса "Бу бизнинг маҳалла" шиори остида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларида фаол қатнашмоқдалар. Хусусан, 1, 5, 7, 29-мактаблар ўқувчилари, муаллимлар жамоаси ўз ҳудудларидан ўтувчи сув йўлларини тозалаб, доврахтларни оқлашди. Қиш бўйи тўпланиб қолган хазону чиқиндилардан тозаланиб, мактаблар боғига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**Бўрибой НОРҚОБИЛОВ,**
**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# ЎЗБЕКИСТОН «ITB BERLIN – 2008» ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИДА ИШТИРОК ЭТДИ

***Германиядаги энг йирик ҳисобланган «Мессе Берлин» кўргазмалар мажмуида «ITB Berlin — 2008» халқаро сайёҳлик ярмаркаси очилди.***

Дунёнинг 180 мамлакатидан ташриф буюрган 10 мингдан зиёд иштирокчи ушбу тадбирда сайёҳлик хизматлари бозорининг хилма-хиллигини акс эттирди. Ярмаркада «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Зоҳид Ҳакимов раҳбарлигидаги «Ўзбекистон ҳаво йўллари», хусусий сайёҳлик ва бошқа компания вакилларидан иборат бўлган юртимиз делегацияси ҳам иштирок этди.

«ITB Berlin» сайёҳлик компаниялари, миллий ва минтақавий туристик ташкилотлар, меҳмонхоналар тармоғи, транспорт ва суғурта компанияларини бирлаштирувчи дунёдаги йирик сайёҳлик ярмаркаси ҳисобланади. Бу ерда жаҳон туризм соҳаси етакчилари учрашиб, ўз таклифларини илгари суради ва ҳамкорликка оид битимларни имзолайди.

Форум доирасида ўзбекистонлик мутахассислар мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти ривожининг хилма-хил кўринишларини ўзида акс эттирган ахборот материалларини тақдим этди. Ярмарка иши давомида Европа туристик компаниялари вакиллари билан музокаралар ўтказилиб, Ўзбекистонга европалик сайёҳлар оқимини кўпайтиришга доир масалалар муҳокама этилди.

Бугунги кунда сайёҳлик соҳасининг аҳамияти тўғрисида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдириш мумкин. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, мазкур тармоқ дунёдаги ялпи миллий маҳсулот ҳажмининг ўндан бир қисмини, халқаро сармояларнинг 11 фоиздан ортиғини, бутунжаҳон ишлаб чиқариш тизимидаги ҳар ўнтадан битта иш ўрнини таъминламоқда. Ҳозирги сайёҳлик соҳаси халқаро хизматлар бозоридаги сердаромад ва жадал ривожланаётган йўналишлардан биридир. Туризм соҳаси келтираётган фойдаси бўйича нефть ва автомобиллар экспортидан кейин учинчи ўринни эгаллайди.

— Берлин шаҳрида жойлашган сайёҳлик агентлигимиз, мана бир неча йилдирки, Ўзбекистоннинг «Ориентал Вояжес» сайёҳлик компанияси билан биргаликда муваффақиятли иш олиб бормоқда, — дейди «Ventus Reisen GmbH» сайёҳлик агентлиги бошқарувчи директори Регина Хербертс. — Бу вақт мобайнида биз Германиядан юртингизга юзлаб сайёҳларни юбордик. Уларнинг барчаси сафар давомида ўзбек халқининг меҳмондўстлигидан, қулай ва шинам меҳмонхоналарда кўрсатилган юқори даражадаги хизматлардан ва дўстона муҳитдан мамнуният ҳисси билан қайтдилар.

Айни пайтда мамлакатда халқаро сайёҳлик ва хизматлар тармоғини янада ривожлантиришга қаратилган самарали ва кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Зеро, бу Ўзбекистонга ташриф буюрувчи немис сайёҳлари сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Берлин кўргазмасида «Ўзбектуризм» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий компаниялари билан бирга юртингизнинг қатор сайёҳлик фирма ва компанияларининг ҳам иштирок этгани жуда муҳимдир. «ITB Berlin» Ўзбекистоннинг нодир тарихий мероси билан танишиш учун қулай бир имкониятни яратади, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон делегацияси сафар давомида Берлиндаги элчихонамизда мамлакат сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимотни ўтказди. Унда ГФР давлат, сиёсат, ишбилармон ва жамоат доиралари, шунингдек Европанинг машҳур сайёҳлик компаниялари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
Берлин.

***Пойтахтимизда Марказий Осиё ва Япония мутахассисларининг маданий меросни сақлаш масалаларига бағишланган минтақавий учрашуви иш бошлади. Тадбир ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Япониянинг Маданий қадриятларни тадқиқ қилиш бўйича Миллий институти ташаббуси билан Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси кўмагида ташкил этилди.***

# МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Анжуманда Марказий Осиё давлатлари ва Япониядан келган санъатшунослар, тарихчилар, археологлар, меъмор ва муҳандислар, маданий меросни сақлаш ва таъмирлаш бўйича мутахассислар иштирок этмоқда.

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси масъул котиби Алишер Икромов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида жамиятимиз маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, халқимиз маънавиятини янада юксалтириш муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади.

Бу жиҳатлар умрбоқий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, ноёб илмий, маънавий-маданий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ёшлар онгига сингдириш, жаҳон жамоатчилигига тарғиб ва тараннум этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг ёрқин самараларини бераётганида яққол намоён бўлмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон, Тошкент каби шаҳарларда Шарқ меъморлик санъатининг дурдоналари бўлмиш тарихий обидаларни сақлаш, уларни таъмирлаш, аллома бобокалонларимизнинг ибратли ҳаёти, фаолияти, бой маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги ишлар бунинг ёрқин намунасидир.

Япониянинг маданий меросни сақлаш бўйича халқаро ҳамкорлик маркази директори Шиничи Шимизу азалдан Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро маданий алоқаларида муҳим ўрин тутиб келган ҳудуд бўлиши баробарида турли халқларнинг маданияти, тарихи туташиб кетган цивилизациялар чорраҳаси эканини таъкидлади. Ушбу ҳудуднинг бой маънавий мероси Буюк ипак йўлининг энг чекка ҳудуди ҳисобланмиш Кунчиқар юрт аҳлида ҳам катта қизиқиш ва эътибор уйғотиб келган. Бу эса Ўзбекистон ва Япония олимлари ўртасидаги илмий-маърифий ҳамкорликнинг тобора кенгайиши ва мустаҳкамланишида муҳим омил бўлмоқда.

Икки мамлакат олимлари иштирокида маданий меросни сақлаш, муҳофаза этиш, қайта тиклаш ва таъмирлашга бағишлаб ўтказилаётган илмий-маърифий анжуманлар, маданий тадбирлар, археологик тадқиқотлар, илмий экспедициялар бунинг яна бир ёрқин далилидир. Мазкур йўналишда орттирилган бой тажрибага таянган ҳолда 2006-2011 йилларга мўлжалланган илмий лойиҳа амалга оширила бошлади.

— Мен Ўзбекистонда кўп йиллардан буён археология ва тарихга оид илмий тадқиқотлар олиб бораман, — дейди япониялик олим Кюдзо Като. — Бу диёр ниҳоятда бой ва бетакрор тарих, илмий-маданий меросга эга. Шу боис японияликларнинг бу нодир меросга бўлган эътибор ва қизиқиши, эҳтироми ғоят катта. Мазкур учрашув маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, уни кўз қорачиғидек сақлаш бўйича олимларнинг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, ижодий салоҳиятларини бирлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда Япониянинг маданий меросни сақлаш бўйича халқаро ҳамкорлик маркази мутахассиси Косаку Маеда, мазкур марказнинг атроф-муҳит бўйича минтақавий бўлими раҳбари Казуя Ямаучи, ЮНЕСКОнинг Марказий Осиёни тадқиқ қилиш халқаро институти директори Шаҳин Мустафоевнинг Буюк Ипак йўлининг маданий, тарихий ўрни ва аҳамияти, Марказий Осиё маданий меросини тадқиқ қилиш бўйича халқаро ҳамкорликнинг истиқболлари каби мавзулардаги маърузалари тингланди ва муҳокама этилди.

Уч кун давом этадиган тадбирда маданий-маърифий меросни асраб-авайлаш, уни ҳимоялаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама этилади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Ўзбекистон Бадиий академияси "Sen Yolg'iz Emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси билан ҳамкорликда ЮНЕСКОнинг Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган юбилей медалининг энг яхши эскизини тайёрлаш бўйича эълон қилган

**ОЧИҚ ТАНЛОВ**

**шу йилнинг 21 мартигача давом этади**

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:**

*— танловда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари иштирок этиши мумкин;*

*— танлов икки босқичда ўтказилади;*

*— биринчи босқичда кейинги босқичда иштирок этиши учун энг яхши учта иш танлаб олинади;*

*— танловнинг иккинчи босқич ғолиби 700000 сўм миқдоридаги мукофот билан тақдирланади;*

*— биринчи босқичнинг энг яхши ишлари "Sen Yolg'iz Emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармасининг дипломлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади;*

*— танлов якунлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади;*

*— иштирокчиларнинг ишлари ва эскизлари қайтарилмайди (муаллифлик ҳуқуқи сақланиб қолади).*

**Лойиҳалар 2008 йил 21 мартгача Тошкент шаҳри Ш.Рашидов кўчаси, 40-уй, Ўзбекистон Бадиий академиясида қабул қилинади.**

Танловнинг техник шартлари билан қуйидаги телефонлар орқали танишиш мумкин:

**256-34-07 — Ўзбекистон Бадиий академияси**
**232-14-03 — "Sen Yolg'iz Emassan" республика болалар жамоатчилик жамғармаси**

Спорт • Sport • Спорт • Sport

## ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

***Футбол бўйича Европа чемпионлар лигасининг чорак финалида иштирок этадиган барча жамоалар номи маълум бўлди.***



Нимчорак финалнинг сўнгги жуфтлик жавоб учрашуви "Интер" — "Ливерпуль" жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Эсингизда бўлса, биринчи ўйинда "Ливерпуль" ўз майдонида 2:0 ҳисобида зафар қучган эди. Жавоб учрашувида эса испаниялик легионер Фернандо Торрес томонидан киритилган ягона гол (1:0) англиялик футболчиларни чорак финалга олиб чиқди.

Демак, чорак финалда "Арсенал", "Манчестер Юнайтед", "Челси", "Ливерпуль", "Рома", "Шальке-04", "Фенербахче" ва "Барселона" жамоалари баҳс юритадиган бўлди.

Чорак финалга қуръа ташлаш маросими 14 март куни Швейцариянинг Ньоне шаҳрида бўлиб ўтади.

***Ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова яқинда Ҳиндистонда якунланган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этган эди.***



## ОҚГУЛ НУФУЗЛИ ТУРНИРДА

Энди теннисчимиз Индиан-Уэллс (АҚШ)да бошланган биринчи категорияли халқаро турнирда ўз омадини синаб кўради.

Мукофот жамғармаси 2,1 миллион АҚШ долларига тенг бўлган мазкур халқаро турнирнинг биринчи даврасида Оқгул россиялик Анастасия Родионовага қарши кортга чиқади. Шунингдек, мусобақада Мария Шарапова, Динара Сафина, Светлана Кузнецова, Ольга Пучкова (Россия), Араван Резе (Франция), Жилл Крэйбас (АҚШ), Ольга Савчук (Украина) ва дунёнинг бошқа кўплаб етакчи ракетка усталари бош соврин учун баҳс юритишади.

## ҲАММАЛАРИ СОВРИНДОР

**Озарбойжон пойтахти Бокуда кикбоксинг бўйича Ҳайдар Алиев хотирасига бағишланган "Олтин кўлқоп" анъанавий халқаро турнири якунланди.**

Аҳамиятлиси, унда иштирок этган тўрт нафар вакилимизнинг барчаси совриндорлар сафидан жой олди. Жумладан, Жалолиддин Салимжонов олтин, Ғафур Маҳамадов ва Даврон Идрисхўжаев кумуш, Алишер Абдуллаев эса бронза медалини қўлга киритди.

## ҲАКАМ УЗР СЎРАДИ

***Бразилияда футбол мусобақасида камдан-кам учрайдиган ҳолат юз берди.***

"Гуаратингуети" — "Коринтианс" жамоалари учрашувида мезбонлар ярим ҳимоячиси Магал қоидани бузганлиги учун ҳакам томонидан иккита сариқ карточка билан жазоланди. ФИФА қоидаларига кўра, бундай пайтда футболчи майдондан четлатилиши керак. Лекин, шунга қарамай Магал ўйинни давом эттираверди.

Ўйин тугагач қўпол хатосини пайқаб қолган бош ҳакам Хосе Энрике де Карвальо барча ишқибозлардан узр сўради. Гап шундаки, ҳакам бешинчи рақамда тўп сурган Магалга дастлаб сариқ карточка кўрсатган эди. У иккинчи марта қоидани бузганида сариқ карточкани саккизинчи рақамли футболчига ёзиб қўйган экан.

**З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

## ҚАРШИДА «ЁШЛАР ТЕЛЕСТУДИЯСИ»

**▼ Интилиш**

«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг Қашқадарё вилоят бўлимида «Ёшлар телестудияси» ва «Ёшлар матбуот маркази» ташкил этилди. Улар Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фондининг гранти ҳисобига молиялаштирилмоқда. Телестудия ва матбуот марказида журналистикага қизиқадиган ташаббускор ёшлар жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадилар.

Ёш телетасвирчилар ишни «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳаларга бағишланган матбуот анжуманини тасвирга туширишдан бошладилар. Улар кўрсатувларини нодавлат телевидениелар тармоғи, вилоят ва Қарши шаҳар телевидениеси орқали намойиш этишни мўлжаллашмоқда.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***


ТАЛАБАЛАР ВА РОССИЯ УНИВЕРСИТЕТЛАРИДА ЎҚИШ ГРАНТЛАРИ СОҲИБЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТРАНСАЭРО» АВИАКОМПАНИЯСИ ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН РОССИЯ ШАҲАРЛАРИГА ПАРВОЗ ҚИЛИШ УЧУН АВИАЧИПТАЛАРНИ МАҚБУЛ ТАРИФЛАРДА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

МОСКВА 364 ЕВРО ва ундан юқори (бориш ва қайтиш)

С-ПЕТЕРБУРГ 295 ЕВРО ва ундан юқори (бориш ва қайтиш)

ТАРИФЛАР ТАКСА ВА ЙИҒИМЛАР ҲИСОБГА ОЛИНМАГАН ҲОЛДА КЎРСАТИЛГАН, ЖОЙЛАР ЧЕГАРАЛАНГАН.

ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯ

Телефонлар: Тошкентда: 233-27-45; Бухорода: 383-44-25.

357Н/374

Аккредитация сертификати № 210.



МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.



МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

амкодор

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.



МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

«МАЗ» ВА АМКОДОР ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

46R/57



МЕТАН - XXI аср ёнилғиси!

"NAVEI" МЧЖ ишлаб чиқарувчининг Ўзбекистондаги расмий дистрибьютори



Автомобилларга газ тўлдирувчи компрессор станцияларини (АГНКС);
- поршенли компрессорлар,
- қуритиш блоки;
- аккумуляторлар блоки;
- тақсимловчи колонкалари:

етказиб бериш; ўрнатиш ва созлаш:

АГНКС унумдорлиги — 500 дан 2500 $Нм^3$/соатгача
Шимиш (сўриш) босими — 0,5 дан 12 кгс/$см^2$ гача.
Буюртмачиларимиз Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаётган АГНКСларга эга.

Буюртма бўйича

Манзил: Тошкент ш., Муқимий кўч., 174.
Тел: 273-91-91, 188-26-88, 933-27-37.
rocc777@rambler.ru



NEW!

Севимли кишингиз борми?!

МТСга уланинг ва сиз баҳор кунларида севимли кишингиз билан **чексиз гаплашиш** имкониятига эга бўласиз!



«Севимлиларга яқинроқ» акцияси!

Баҳорги севимли рақамни ёқиш:
*111*891*севимли инсонингизнинг халқаро форматдаги телефон рақами#

Эслатма:
- МТС тармоғи 1та абоненти билан гаплашувлар.
- Баҳорги севимли рақамни ёқиш муддати — 10 мартдан 10 апрелгача.
- «Севимлиларга яқинроқ» хизмати 1 июнгача амалда бўлади.
- Хизматнинг ҳолатини билиш учун USSD-хизматнинг *111*89# рақамига қўнғироқ қилиш керак.
- Баҳорги севимли рақамдан фойдаланиш — ойига $1.
- Акцияда аввал уланган ва янги уланаётган абонентлар катнашишлари мумкин.
- Акция абонентлар Ўзбекистон Республикаси худудида МТС хизмат доирасида бўлганларида амалда бўлади.

0890 моб., тел.: (+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09
www.mts.uz / wap.mts.uz
Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
Нархларга барча солиқлар киритилган.
Хизматлар лицензияланган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар "Уздунробита" компанияси томонидан тақдим этилади.

МТС



INTER-PRESS ПОДПИСКА КНИГИ, ГАЗЕТЫ, ЖУРНАЛЫ 119-0000, 119-8383, 155-0955
г. Ташкент, ул.Навои,13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 44003 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Қ. Ҳидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.25 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6 7 8